

## **ПУ СУНГЛИНГ ҲИКОЯЛАРИДА АНЬАНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР АКС ЭТТИРИЛИШИ**



**<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-354-361>**

**Зиямұхамедов Жасур,**  
филология фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат шарқшунослик университети

**Аннотация.** Мазкур мақолада Пу Сунглинг асарларида анъаналарнинг моҳият эътиборидан янгиланиш, поэтик тафаккур ва тасвир тамойилларидағи ўзгаришлар баёни таҳлил қилинади. Ёзувчининг машҳур “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асарида миллий анъаналар ифодасига хос майда деталлар ёрқин рангларда тасвирланиши орқали ёзувчининг новаторлиги эътироф этилади.

**Калит сўзлар.** Пу Сунглинг, анъана, поэтик тафаккур, тасвир тамойиллари, миллий анъаналар, майда деталлар, новаторлик, диалоглар.

### **REFLECTION OF TRADITIONAL VALUES IN PU SUNGLING STORIES**

**Abstract.** In this article, Pu Sungling's works are analyzed from the point of view of the renewal of traditions, changes in the principles of poetic thought and image. In the famous work of the writer "Liao Jai's Tales of Strangeness", the author's innovation is recognized by the fact that small details characteristic of the expression of national traditions are depicted in bright colors.

**Keywords.** Pu Sungling, tradition, poetic thinking, image principles, national traditions, small details, innovation, dialogues.

Хар бир халқ адабиётида қадимдан келаётган адабий анъаналар бўлади. Айни анъаналарнинг моҳият эътиборидан янгиланиш, поэтик тафаккур ва тасвир тамойилларидағи ўзгаришлар новаторлик тушунчасини англатади. Шу маънода хитой халқининг буюк ёзувчиси Пу Сунглинг хитой адабиёти тарихида мавжуд анъаналарни янгилаган новатор ёзувчи ўлароқ тилга олинади.

“Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да одамлар ва рухлар учрашадиган кўпгина саҳналар мавжуд. Уларда миллий анъаналар ифодасига хос майда деталлар ёрқин рангларда тасвирланади. Ёзувчи ҳикояларида одамлар ва арвоҳлар қоп-қора зулмат бағрида учрашса ҳам, ўқувчилар одамлар ҳаётидаги баҳорий шамолдан баҳраманд бўладилар. Пу Сунглинг сеҳрли ҳикояларидағи диалогларда ўша образнинг феъл-атвори, яшаш жойининг конуниятларини, миллий қадриятларни ҳам алоҳида тасвирлайди. Масалан

“Хурлиқо Мэй” (“梅女”) [孙通海 2001: 620] ҳикоясида гўзал Мэйнинг сўзлари бор: “若此之为，则生前之垢，西江不可濯矣” “Бу мени бир умрлик уятга қўяди, кейин ҳатто бу уятни Сижсанг дарёси сувига тушиб ҳам ювиб, тозалаб бўлмайди”. Юқоридаги жумлада ўша даврда қизлар тарбиясидаги алоҳида жиҳатларга эътибор қаратиляпти, шу билан бирга, унда хитой жамиятида “уят” ҳисобланган ишларни қилмасликка даъват қузатилади.

Ляо Жайнинг “арвоҳлар олами” хотираларга тўла эди. Пу Сунлингнинг ижодий ихтирочилигига қарамай, унинг асарлари хитой арвоҳлар маданияти азалий анъаналаридаги образлар, ғоялар, тушунчалар ва қарашларнинг бой хазинаси ҳисобланади. Адибнинг руҳлар ҳақидаги ҳикоялари руҳлар дискурсининг энг юқорисида туради. Агар арвоҳлар ҳақидаги ҳикоя конфуцийлик доирасидан ташқарида юзага келган бўлса, аждодлар арвоҳи билан боғлиқ қўрқув ва истаклар қандай қилиб у яшайдиган адабий жанрларни шакллантириши мумкин эди? Ёзувчининг бор маҳорати айнан ана шунда кўринади.

“Арвоҳлар билан кўнгилхушлик” сюжетлари неоконфуцийлик таъсири остида руҳлар назариялари ҳақидаги сўнгги императорлик дискурси аспектларидан бирини намоён этган. Номидан ҳам кўриниб турибдики, арвоҳлар ҳақидаги суҳбатлар ўта нафис адабий кўнгилочар тадбир бўлиши ҳам мумкин.

Чинг сулоласи даврида зиёлиларнинг арвоҳлар ҳақидаги ҳикояларни сўзлаб юришлари анъана эди. Чинг ёзувчилари ўртасидаги мафкуравий тафовутларнинг ҳеч бир ажабланарли томони йўқ: бу ерда бир йўналиш конфуцийлик ва бошқа таълимот олимлари томонидан руҳларга сифиниш маросимларини ўtkазиш ва насл-насаби силсиласини тиклаш бўлса; иккинчи йўналиш қариндошлик тизимидан ташқарида руҳлар ва шарпалар билан рухсатсиз, норасмий учрашувлари билан ажralиб туради.

Сўнгги императорлик арвоҳлари дискурсининг кўп маънолилиги ва мураккаблигини бирон бир ёзувчи Пу Сунлингдан қўра яхшироқ акс эттира олмаган. Унинг “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асари XVII асрнинг охирларида ёзилган бўлса ҳам, XVIII аср ўрталарига келибгина нашр этилган ва оммалашган. XVIII аср ўрталаридан бошлаб ва ундан кейинги даврларда арвоҳлар ҳақида ёзилган асарлар Ляо Жай таъсиридан ташқарида бўлиши мумкин эмас эди. Китобни ўқиши, ўрганиш тарихи шуни кўрсатадики, “Ляо Жай”нинг нафақат адабий-маданий, шунингдек, шахсий ва катта ғоявий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Пу Сунлинг адабий тасаввури ва дунёқарашида арвоҳларнинг тутган ўрни, эгаллаш усувлари, айниқса, дунёқараши сўнгги императорлик Хитойида руҳ дискурсини тушуниш маъносида фойдали кўринади. Муаллифнинг конфуцийлик таълимотига мойиллиги адаб сифатидаги умумий дунёқараши билан “Ляо Жай”да тасвирланган мураккаб ва ғайритабиий дунёқараши ўртасидаги зиддият Пу Сунлингнинг “Ляо Жайнинг

ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”ни ёзиш вақтида ёпиқ режим ичида бўлганлигини кўрсатади, чунки у хитой халқининг анъанавий эртакларидан ўз шахсиятини очиб бериш учун фойдаланган адибдир.

Илк дҷигуй дунёси – инсон ҳаёти учун меҳмондўст бўлмаган дунё бўлиб, унда одамлар ваҳшӣ ҳайвонлар ва табиатнинг бошқа унсурларига сифиниш орқали муносабатда бўладилар. Бу иккала жанр ривожланиб борар экан, аввалига джигуай ва чуангчи, кейин бирга яшаб, аниқ инсонпарварлик ва маданийлаштириш жараёни содир бўлади. Ҳайратомуз ҳайвон-одам дурагайлари аста-секин жанрдан чиқиб кетади, арвоҳлар ва тулки руҳлари каби ўргатувчилар кейинги новаторона ҳикояларда стандарт образларга айланади. Чуанчи услубидаги янада мураккаб ривоятларда ғайритабиий кучларни ҳайдаш ўрнига, биз шаҳвоний ва романтик муносабатлар орқали арвоҳлар билан ўзаро муносабатларнинг нозик усусларини кўрамиз. “Арвоҳларни бўйсундириш” тушунчаси арвоҳ ва инсон ўртасидаги муносабатларга инсонийлик ва эркаклик нуқтаи назаридан ёндашишни назарда тутади. Демак, “қўлга ўргатилган арвоҳлар” тушунчасининг ўзи хам эркаклар фантазиясига асосланган экан [Голыгина 2004.].

Руҳни қўлга ўргатиш деганда, бу қўрқувни аста-секин енгиб ўтиладиган ва адашиб юрган аёл руҳининг аҳволини енгиллаштириш учун саъй-ҳаракат қилинадиган жараёнга айланади. Арвоҳ нуқтаи назаридан қўлга ўргатиш энди антагонизмга эмас, балки дардкашлик, ҳамдардликка асосланади, бу эса унинг ўз шахсиятини излаш ва шакллантиришига имкон беради.

Ляо Жайнинг чиройли, жозибали ва шаҳвоний аёллар руҳлари тасвиранган чуанъчи услубидаги ҳикояларида руҳнинг шахсияти гўзал ва аниқ белгиланган жисмоний хусусиятларга эмас, балки ижтимоий, оиласий муносабатларга ҳам асосланган. Айни муносабатлар қўпинча номаълум тарзда пайдо бўлади, бу эса уларнинг наслдан-наслга ўтмаганлигини кўрсатади. Аммо, охир-оқибат, улар кимдир томонидан, баъзан эса оиласий муносабатлар орқали аниқланади. Ляо Жай ҳикояларида эркак билан жинсий муносабат жамиятга руҳни жалб қилиши мумкин, аммо руҳни ўша жамиятда ушлаб туриш учун ишқ-муҳаббат зарур.

“Севимли қиз” ҳикоясида арвоҳнинг танаси қайта туғилган ўртачача катталиқдаги ҳолатда тасвиранади, аммо унга тўлақонли инсон қиёфаси ато этилмаган эди. Арвоҳнинг танаси эркаклар моҳияти ҳисобига эмас, балки олтин ва қимматбаҳо тошларнинг ҳаётий энергияси ҳисобига сақланиб қолиши унга мауайян даражада эркинлик беради – арвоҳ ўз шартлари асосида ҳаётга қайтишга қарор қиласи. Ҳикоя охирида муаллиф қуйидагиларни таъкидлайди: “Чиройли жасад салобатли арвоҳ каби яхши нарса эмас”. Пу Сунлингнинг ўлик жасаддан кўра “тирик” арвоҳни афзал кўриши унинг ғайриоддий дунёқарашига мос келади. Арвоҳнинг ўз арвоҳлиги, аммо ҳаракат қилувчи нарса эканликдан

воз кечиши, чекланган ва таҳликали инсоний айричаликка тайёр эканлиги бунинг ёрқин мисолидир [Завидовская 2020: 94-107.].

Шундай қилиб, арвоҳнинг ўз шахсига эга бўлиши қимматга тушади, яъни руҳнинг кучи ва эркинлигини заифлаштиради. “Ляо Жай”даги ишқий ҳикояларда арвоҳнинг танаси кўпинча заиф, нимжон ва касалманд қилиб тасвиранади.

Пу Сунлингнинг руҳлар ҳақидаги бадиий тасаввурида жисмоний тананинг марказий ролига қарамай, шаҳвоний, оилавий ва ижтимоий муносабатлар охир-оқибат руҳнинг шахсиятини белгилайди. Жудит Цейтлиннинг таъкидлашича, “Лиан Суо” сингари арвоҳлар ва одамлар ўртасидаги романларда инсоннинг руҳлар олдидағи қўрқуви фрейд проекцияси орқали яна руҳнинг ўзига кўчади. Унинг айтишича, ушбу проекция “руҳнинг гендер хусусияти”, яъни жинсга тегишлилиги билан янада кучаяди, бу эса руҳ-аёлни эркак-инсон билан муносабатларда “икки карра уятchan ва ҳимоясиз” қиласи [Zeitlin 1993.]. Ж.Цетлиннинг қўрқувнинг ўрини алмаштириш бўйича кузатувлари тушунарли ва ушбу стратегия халқ маросимларида ишлатиладиган руҳлар никобида аниқ равshan кўриниб туради. Бироқ арвоҳнинг аёл сифатида “гендер тенглиги” тушунчаси устида қўшимча тадқиқот олиб бориш талаб қилинади. Инсонларга хос жинс тенгсизлиги ва куч-кудрат муносабатларини арвоҳ фигуранлари ва уларнинг ғайритабии дунёда қайта яралишининг акс этиши орқали бу эртаклар, ҳақиқатан, бир вақтлар қудратли бўлган ҳайвонлар, жинлар ва руҳларни ажратиб туриш ҳамда уйғотишга муваффақ бўлади. Аммо арвоҳнинг аёл жинси ҳам арвоҳ аждод эмаслигини ва ўлимдан кейин одамлар билан бўлган муносабатларда ҳисобга олиниши кераклигини тан олади. Агар қўрқувнинг аёл руҳга қайтарилиши эркак қаҳрамонга қўрқувни енгишда ёрдам берса, демак, “икки карра уятchan ва ҳимоясиз” аёл арвоҳ энди қўрқувга эмас, балки инсоннинг ўз севгилисига нисбатан раҳмдилликка илҳомлантиради.

Ляо Жайнинг кўплаб ҳикоялари илк дҷигуайда топилган анъанавий ёввойи ва қўпол турларга асосланмайди. “Бўялган тери” ҳикоясидаги жин меъёрдан кўра кўпроқ истисно ҳисобланади. Ляо Жай арвоҳларининг аксарияти эркаклар билан тинч-тотув яшаб, қуролсизлантирилган, қўлга ўргатилганга ўхшайди. Шубҳасиз, арвоҳларни уй шароитига мослаштириш жараёнига оддий жараён сифатида қаралади. Уй шароитига мослаштирилган арвоҳлар, парилар ва тулкилар эркаклар билан ишқий муносабатларга киришадиган, улар оила ва жамият, эркак кишидан севги ва эътирофдан бошқа нарсани изламайдиган мафтункор гўзал аёлларга ўхшайди [Иштутина 2018.].

Таъкидлаш лозимки, арвоҳ ва одам орасидаги муносабатлар руҳ қўлга бўйсундиргандан сўнг ҳокимиётнинг ҳийла-найрангларсиз ва куч билан бўйсундиришсиз бўлмайди. “Ляо Жай”даги бундай ҳикояларда инсоннинг ўзига хослиги ва эркакларнинг устунлигига энди бир вақтлар қўрқиб келинган аёл арвоҳлари таҳдид солмайди. Кўлга ўргатилган арвоҳлар, ҳайвон ва ўсимлик

руҳлари, парилар бош қаҳрамонлар – инсонлар қўпроқ эркаклар билан ўрнатилган ўзаро муносабатларни давом эттириб, ҳам персонажларнинг, ҳам уларни яратувчининг психологик ҳолатига тушади. Арвоҳлар ва руҳлар ҳам мутлақо қўлга ўргатилмаган. Пу Сунглинг мумтоз хитой адабиётидаги анъанавий, қудратли аёл образини, айни пайтда, қўпол ва талабчан, ҳатто бузгунчи аёл образини яратади.

“Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да Пу Сунглинг ундан аввалги ёзилган асарларга, бошқа ёзувчилар ва воқеаларга ҳавола қилмаслик йўлидан боради, баъзан адабий анъанага амал қиласди. Ёзувчининг биз тадқиқ этаётган тўплами тўла ишонч билан айтиш мумкинки, адабий анъана ва новаторликни ўзида жамлаган. “Бинобарин, анъана ва новаторлик орасида мантиқий алоқа бор. Уларни бир-биридан ажратиб ҳам, тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Биз учун анъана ҳисобланадиган кўплаб ғоя ва майллар ўз вақтида янгилик саналган” [Абдуллаев // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/adabiy-anana-uz/>].

ХХ асрда Мао Цзедун тарафдори бўлган адиблар Пу Сунглингни манжур тизиминингadolatciziliigi ва шафқatsiziliigi асосий сабабларини яққол кўrsatmagани ва уларни тан олмагани учун танқид қилганлар. Бошқа олимлар эса “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”даги кескин сатирик пафосни қўп бор қайд этганлар. Пу Сунглингни новаторлиги шундаки, ўз асарларида давр ижтимоий муҳити устидан ўзига хос сатирик кулди. “Гарчи сатира одатда ҳазилни англатса-да, унинг асосий мақсади кўпинча конструктив ижтимоий танқид бўлиб, ундан жамиятнинг аниқ ва кенг қамровли муаммоларига эътиборни жалб қилиш учун фойдаланилади” [Жалилова 2021: 11].

Яна шуни таъкидлаш лозимки, ёзувчининг новаторлиги ўзига замондош шоир ва ёзувчилардан фарқли ўлароқ, “нозик киноялар” билан ясалган сюжет унинг асарларига ўзгача жозиба берди, ўқувчи қалбини таъсирантириди ва жамиятдаги иллатлардан халос бўлиш йўлларини кўrsatди. Бундан ташқари, ҳикояларнинг бошқа дунёвий хусусиятларига қарамай, танқидчилар “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”нинг реалистик таъсирини бир овоздан маъқуллайдилар ва фантастик вазиятларни осонгина тасаввур қилинадиган ва ҳатто ҳақиқатга яқин, яъни ўта ишончли эпизодлар эканига урғу берадилар. Пу Сунглинг вафотидан юз йиллар кейин ўз асарларининг интеллектуал ва эстетик жозибаси туфайли юксак мақомга эришди. Унинг асарларига кейинги давр хитой ёзувчилари тақлид ҳам қилди.

Пу Сунглинг олдин яшаб ўтган ижодкорларнинг асарларидағи анъанавий тулки образини мукаммаллаштириди. Шу билан бирга, тулкилар ҳақида янги ҳикоялар ёзар экан, ўз тасаввурини ҳам қўшди. “Хулар оиласи” ҳикояси (“胡氏”) [孙通海 2001: 207] бунинг ёрқин мисолидир: тулкилар руҳи бўлган жаноб Ху ўқимишли одамга айланади ва таниқли бир кишининг уйида мураббий бўлиб

ишлияди. Гарчи оила кейинчалик устознинг ўзига хослигини билиб олган бўлса ҳам, унинг хайриҳоҳлиги ва адабий истеъдоди туфайли хурмат қиласи. Охир оқибат, хўжайнин ўз ўғлини жаноб Хунинг синглисига уйлантиришга рози бўлади ва оила аъзоси сифатида қабул қиласи.

“Талаба Ленг” (“冷生”) [孙通海 2001: 579] ҳикоясида истеъдодли тулки руҳи ҳам иштирок этади. Тулкининг урғочи ёки эркак эканлиги билиб бўлмайди, биз ҳатто унинг юзини ҳам кўролмаймиз. Аммо шунга қарамай, унинг жуда истеъдодли эканлигини биламиз, чунки тулки ҳикоянинг асосий қаҳрамони ёш, лекин қолоқ ўқувчи Ленгни тезда ақлли ўқувчига айлантириб кўяди. Ленг тулкини учратишдан олдин, у ҳатто йигирма ёшида ҳам биронта буюк китоб билан танишиш имкониятига эга бўла олмади. Улар бирга бўлганидан бир неча кун ўтгач, жаноб Ленгнинг шахсияти бутунлай ўзгарди. У қаерда бўлмасин, кулишни яхши кўтар, яхши бир матнни бир ўтиришда ёзиб тугата оларди. Охир-оқибат, у ёзган китоблари билан эсга олинади.

“Го шэн”нинг ҳам ақлли ва зукко тулкиси бўлган. Ушбу ҳикояда тулкининг сурати кўринмайди, лекин унинг таърифи келтирилади. Кую ўзининг ёзган иншоларидан жуда хафа бўлади, чунки тулки уларнинг баъзиларини сиёҳ билан чаплаб ташлияди. Аста-секин унинг дўстлари тулки ўз асарларини кўриб чиқиб, ёқмаган ёмон қисмларини кесиб ташлаб, тузатмоқчи бўлганини тушуна бошлайдилар. Ўшандан бери Кую тулкининг кўрсатмаларига амал қиласи ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтади. Бу ҳикояда ҳеч қандай зарар келтирмайдиган, бирор мукофот олиш ниятида бўлмаган олим тулки образи яратилади. Аксар тулкилар ичишни яхши кўради. Бу ўша давр жамиятига хос одат, балки иллат ҳам эди. Шароб орқали тулки руҳлари одамлар билан дўстлашади.

“Чиу ю” номли ҳикояда эркак тулки руҳининг ўлимга маҳкум бўлган ароқхўр дўсти билан муносабатлари кўрсатилади. Рух унга азоб бериш, зарар етказиш ўрнига, ўз дўстини бойитмоқчи бўлиб, башорат қилиш кучидан фойдаланади.

Пу Сунглинг ҳикояларида аёл образини инсон хилқатининг энг юқори поғонасига олиб чиқишига ҳаракат қилиши ўрта асрлар хитой адабиётида ўзига хос новаторона бурилиш ясади. Бунда у ўқувчига янада қизиқарли бўлиши ҳамда жанр хусусиятларини сақлаб қолиши учун тулки образидан унумли фойдаланган илк ёзувчи саналади. “Тўртинчи Ху опа” ҳикояси ғайриоддий, яъни сехрли асарлар туркумига киради, чунки битта ҳикояда ҳам яхши, ҳам ёмон тулки образи бор. Биринчидан, Ху тўртинчи – яхши тулки, лекин унинг опаси Ху учинчи олим билан учрашгандан кейин уни ўлдиришни режалаштирган. Ху тўртинчи эркакни чинакамига севади ва уни ёвуз опасидан қутқариади, лекин олимнинг бошқа тулкига мафтун бўлганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлади. Шундай бўлса ҳам, бу иккала опа-сингилсевикили олимни учинчи тулки руҳидан қутқариш учун бирлашадилар. Адид бу ерда жуда қизиқарли

сюжетлар алмашинувини танлайди, яъни ўқувчини битта одамнинг яхши ва ёмон тулкилар билан бўлган муносабатлари ва муомаласини жуда чалқаштириб юборади. Сюжетнинг бундай шакли ёзувчининг ўз ҳикояларини қизиқарли қилиш усулларидан биридир. Адибнинг новаторлиги ҳикоя композицион тузилишида сюжетлар алмашинуви ва кетма-кетлигига намоён бўлади.

Бундай сюжетни “Чжоу Сан” (“周三”) ҳикоясида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳикояда тулкининг рухи одамнинг уйига ёпишади. Уйнинг эгаси бошқа тулкидан уни қувиб чиқаришни сўрайди, тулки эса рад этади, чунки бу ишга ўзидан кўра мос бошқа тулки бор деб ўйлади. Шу боис учинчи тулкини тавсия қиласди, у қувилганидан кейин эгасининг уйида абадий қолади.

“Тўртинчи Ху опа” ҳам, “Чжоу Сан” ҳам тулки руҳлари орасида турли даражалар борлигини кўрсатади. Пу Сунглинг ҳикояларида тулки парилари ва тулки руҳлари бор. Биринчиси, кўп йиллардан бўён Даос таълимотига тегишли бўлиб, бу тулки пари ва тулки руҳларни бошқаларга қараганда кучлироқ эмоционал характерли, дейиш мумкин. Тулкиларнинг даражасидаги фарқ Пу Сунглинга баъзан ижобий ва салбий хусусиятлари инсоният оламининг акси бўлиб хизмат қиласидан ҳикоя ёзишга имкон беради. Шу билан бирга, ёзувчи арвоҳ ёки ҳайвон орқали ифодаланаётган инсон образини унга қучли таъсир кўрсатаётган жамиятга қарши қўяди.

Ляо Жайдаги яхши хулқли эркак ва урғочи тулкиларнинг яна бир тоифаси рух ва инсон ўртасидаги меҳр-оқибатга ҳам зид келади. Руҳлар кўрсатадиган ёрдам кўп ҳолларда ихтиёрий бўлиб, мукофотга лойик кўрилмайди.

Ёлғон – сўзловчига маълум бўлган гапнинг воқеликка мувофиқ келмаслигидир. Ляо Жайнинг асарларидағи новаторлик белгиларидан яна бири ҳам адабий ёлғон тушунчасининг ўзига хос ифодасида кўринади. Бу ёлғон баъзида яхшиликка, баъзида ёмонликка хизмат қиласди. Аксарият ҳолларда эса оила ва жамиятни ислоҳ қилиш учун ишлатилади. “Ляо Жай”да арвоҳлар ва тулки руҳлари ўйинлар бўлиб, муаллиф соддадил ўқувчи билан ўйин ўйнайди. Ҳикоя мазмуни икки қатламли даражаси аёнлашиб, ўқувчи муаллифнинг адабий ёлғонларига алданишга йўл қўймайдиган мазмун ва ният ўртасидаги номувофиқликни билиб олади. Ляо Жайнинг ушбу ҳолатида муаллиф ва ўқувчи ўртасидаги ишончсизликни ўзаро тўхтатиб туришга асосланган соғ хаёлий ва кинояли адабий талқин қилинади.

Шунингдек, ушбу уч талқинли ёндашувлар ривожини уларни қабул қилиш ҳолатлари ва контекст нуқтаи назаридан тушуниш мумкин. Пу Сунглингнинг энг яқин дўстлари, унинг кўлёзмаси ҳали тугалланмаган пайтда, биринчи муқаддималар ва шеърий бағишловларни ёзганлар ва бу саъи-харакатлар ижтимоий характерга эга эди. Бундан мақсад адаб ижодини жамиятга тушунтириш, китобхонлар доирасини кенгайтириш бўлган. Миллий қадрият ва анъаналарни баён этишда ва ўқувчига ўзига хос тарзда етказиб беришда ҳам ёзувчи ижодининг хитой адабиёти тарихида алоҳида ўрни

борлиги таҳлилларимиздан аён бўлди. Пу Сунглинг доим миллатига, ватанига содик қолган, халқ хаёти ва турмушига, одамлар тақдирига бефарқ қарамаган.

Ляо Жайнинг тарафдорлари билан китобхонлар ўртасида одамлар нима учун номаълум муаллифнинг асарини ўқишилари кераклиги ҳақида баҳслашган. Ёзувчилар ғайриоддий ҳикоялар жамланган бу тўпламнинг оригинал асар эканлигини намойиш тушунтиришга интилганлар. Тарғиботчи зиёлилар эса ушбу турдаги асарларни юқори савияли адабий қиймати биланд мажозий асар тарзида тавсифлаганлар.

Пу Сунглинг асарлари жамиятдаги диний-эътиқодий тушунчаларни ўз моҳиятига сингдирди. Ёзувчи инсон ва жамият муносабати хусусидаги адабий талқинларида ижтимоий иллатларни танқид қилиш, табиатан тубан кимсаларни истехзо ва киноя йўли билан ҳажв этиш усулидан кенг фойдаланди. Адаб ўзигача бўлган мумтоз хитой адабий анъаналаридан унумли фойдаланиш билан бирга, ўз тафаккур тарзи билан янгиликка- новаторона тасвиirlарга ургу берди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCE):**

1. 孙通海.聊斋志异故事集.–北京：学苑出版社， 2001.
2. Голыгина К.И. Изучение китайской литературы в России. – М.: Вост. лит., 2004.
3. Завидовская Е.А. Иллюстрированные издания и народные картины няньхуа к новеллам Пу Сунлина «Описание удивительного из кабинета Ляо» // Вестник Новосибирского государственного университета. Серия: История, филология, 2020. Т.19. №4. – С.94-107.
4. Zeitlin J.T. Historian of the strange: Pu Songling and the Chinese classical tale. – Stanford: Stanford University Press, 1993.
5. Иштутина Ю.А. Китайский опыт нравственного воспитания: восхождение к идеалу. – Владивосток: Изд-во ДВФУ, 2018.
6. Абдуллаев О. Адабий анъана // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/adabiy-anana-uz/>
7. Жалилова Л. XX аср бошидаги Америка сатирик новелласининг поэтикаси: филол.фан.б.фалс.д-ри.дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – Б.11.